

**2024 йил учун Статистика дастурининг  
январь–март ойларида бажарилиши тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

**I. Статистика дастури ижроси, статистика услубияти  
ва амалиётини такомиллаштириб бориш тадбирлари**

*Статистика дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 15-январдаги “2024-йил учун Статистика дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 30-сон қарори билан тасдиқланган.*

Дастурга мувофиқ 2024-йилнинг январь-март ойларида жами **782 та** статистика ишлари белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмда бажарилди, шундан **390 таси** Статистика агентлиги ва унинг органлари томонидан, **226 таси** расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари томонидан ва **166 таси** бошқа вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан бажарилди.

Статистика агентлиги томонидан, иқтисодиёт соҳалари ҳамда тармоқлари ривожланиши мақсадли комплекс дастурлари мониторинги учун доимий равишда миқдорий кўрсаткичлар шакллантириб борилди, ҳудудлар ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши ҳолатини комплекс тавсифловчи таҳлилий-статистика маълумотлари ҳар ойда Ҳукуматга тақдим этиб борилди.

Шунингдек, 2023-йилнинг январь-декабрь даври учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистика маълумотлари тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк ҳамда бошқа вазирлик ва идораларга тақдим этилди.

2023 йилнинг январь-декабрь ойлари яқунлари бўйича “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” ахборотномаси (доклад) ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга юборилди.

Шу билан бирга, 2024 йил январь, январь-февраль даврлари учун “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” статистик рисоласи 2 тилда (ўзбек, рус) чоп этилиб, белгиланган рўйхат асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этилди.

Статистика дастурига мувофиқ бажарилган ишлар натижаларига кўра шакллантирилган очиқ статистика маълумотлари, ахборотномалар, тўпламлар, пресс-релизлар кўринишида ҳамда оммавий ахборот воситалари, расмий

веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали мунтазам равишда миллий ва хорижий фойдаланувчилар эътиборига етказиб берилди

Хусусан, агентликнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий Telegram каналида **2037 та**, Facebook саҳифасида **2037 та** ва Инстаграм саҳифасида **123 та** янгиликлар эълон қилинди, Instagram роликлари Қўмитанинг Youtube каналидаги расмий саҳифасида жойлаштириб борилди.

Шунингдек, **10 та** инфографика роликлари ҳамда статистика фаолиятига оид **70 та** лавҳалар “Ўзбекистон 24”, “Ўзбекистон”, “Ўзрепорт” телеканалларида доимий тарзда эфирга узатилиб келинмоқда.

Статистика агентлиги расмий веб-сайтининг “Расмий статистика” бўлимида макроиктисодий кўрсаткичлар, миллий ҳисоблар, нарх ва индекслар, саноат, қишлоқ хўжалиги, аҳоли турмуш даражаси ва бошқа қатор статистика йўналишлари бўйича **501 та** статистика маълумотлари тўпламлари эълон қилинди.

“Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Иқтисодий газета”, “Биржа”, “Ишонч”, “Оила даврасида” ва бошқа нашрларда статистика кўрсаткичлари акс этган **6 та** материаллар чоп этилди.

Халқаро статистика амалиёти тавсияларини инобатга олган ҳолда, статистика соҳасининг турли йўналишлари бўйича 2024 йил январь-март ойларида **8 та** янги услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Статистика маълумотлари сифатини ошириш борасида ҳисобот топширувчи субъектлар ўртасида профилактика тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 2024 йил январь-март ойларида республиканинг барча ҳудудларида **30,4 мингта** респондентларга тушунтиришлар, **17,9 мингта** янги ташкил этилган респондентлар профилактика тадбирлари давомида қамраб олинди, **40,5 мингдан** ортиқ буклетлар тарқатилди ва **1678 марта** оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этилди.

Очиқ маълумотлар портали фаолиятини такомиллаштириш, маълумотлар сифатини ошириш ва қўламини кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида, порталда эълон қилинаётган маълумотлар тўпламлари сони **5 минг дан** ошди.

Жумладан, Статистика агентлиги томонидан порталда эълон қилинаётган статистика маълумотлари тўпламлари сони **2198 тани** ташкил қилди.

Статистика агентлиги хузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида тизим ходимларини қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш дастурига асосан 2024 йил январь-март ойларида **26 та** ўқув курсларида **291 нафар** ходимларнинг малакаси оширилди.

Институт томонидан 2024 йилда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастурига мувофиқ, 8 тадқиқот иши тасдиқланган бўлиб, шундан январь-март ҳолатига февраль ойида **2 та** тадқиқот иши ишлаб чиқилди.

Жумладан, “Қурилиш ишлари нархлари индексини ҳисоблаш амалиётини халқаро услубиятлар асосида такомиллаштириш” бўйича тадқиқот иши Нархлар статистикаси бошқармасига тақдим этилди. “БМТ Статистика комиссиясининг йиллик сессияларига таклифлар тайёрлаш” бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси ҳамда Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув бошқармасига тақдим этилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, мазкур қарор доирасида “Маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг маълумотлар базаларини Статистика агентлигининг ахборот тизимига интеграция қилиш ва маълумотларни тақдим этиш режа-жадвали”да белгиланган ишларни бажарилиши юзасидан январь-март ойларида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-299-сон “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023-2027-йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2024 йил январь ойида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика маркази ахборот тизими ва Статистика агентлигининг “Статистика” интеграллашган ахборот тизими ўртасида доимий аҳоли сони бўйича маълумотларни ўзаро алмашинуви тўғрисида технологик йўриқнома тасдиқланиб интеграция йўлга қўйилди.

2. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси билан биргаликда 2024 йил март ойида “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резиденти бўлган ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар) кесимида) интеграция орқали тақдим этишни йўлга қўйиш” бўйича 2 ёқлама технологик йўриқнома тасдиқланиб, интеграция йўлга қўйилди.

**II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024- йил 4- мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги**

## **Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-114-сон қарори ижроси доирасида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-114-сон қарори тасдиқланганлиги муносабати билан уни ижросини сифатли ва самарали ташкил этиш бўйича Статистика агентлиги ҳузуридаги Статистика кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда, Статистика агентлигига мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарор ва у билан тасдиқланган “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш чораларини кўриш бўйича топшириқлар берилди.

Статистика агентлиги ва барча қуйи тизим ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги ПҚ-114-сон қарори билан белгиланган фаолиятнинг устувор йўналишлари амалга оширилиши ҳамда мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар)га эришилишини таъминлаш мақсадида 2024 йил 5 мартда 23-буйруқ қабул қилинди ва назорат режа тасдиқланди.

Нazorat режага мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилди:

“Расмий статистикани тайёрловчилар томонидан расмий статистика соҳасида статистика кузатувларини аутсорсинг асосида ташкил этиш амалиётини жорий этиш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қарор лойиҳаси расмий статистикани тайёрловчилар билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими [project.gov.uz](https://project.gov.uz) (ID-95750) орқали келишилган бўлиб, ҳозирда жамоатчилик муҳокамасига қўйилган (ID-96460);

“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қарор лойиҳаси расмий статистикани тайёрловчилар билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими [project.gov.uz](https://project.gov.uz) (ID-95847) орқали келишилмоқда;

“Расмий статистика тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва расмий статистикани тайёрловчилар билан норматив-ҳуқуқий

хужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими project.gov.uz (ID-96879) орқали келишилмоқда;

“Бир йиллик статистика дастурини ҳисоблаш методикаси” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ягона электрон тизими project.gov.uz (ID-96041) орқали Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юборилди;

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қарор лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими project.gov.uz (ID-97082) орқали келишилмоқда;

“Расмий статистика фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қарор лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими project.gov.uz (ID-97082) орқали келишилмоқда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги Ҳайъати аъзолари таркиби белгиланган тартибда келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига юборилди (2024 йил 20 март. 01/1-06-11/1-58-сон).

### **III. Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви**

Халқаро ташкилотлар билан соҳани ривожлантириш, илғор тажрибалар ва замонавий услубий тавсияларни амалиётга жорий этиш юзасидан яқиндан ҳамкорлик ҳамда мамлакат кўрсаткичларини халқаро ахборот базаларида акс эттириш юзасидан ахборот алмашинуви алоқалари йўлга қўйилди.

2024 йилнинг январь-март ойларида халқаро ташкилотларнинг **8 та** саволномалари, жумладан, БМТ Статистика бўлимининг **1 та**, ЮНЕСКО статистика институтининг **2 та**, МДХ Давлатлараро Статистика Қўмитасининг **3 та**, Халқаро автомобил йўллари федерациясининг **1 та** ва бошқа халқаро ташкилотларнинг **2 та** саволномалари тўлдирилиб, тақдим этилди.

Бундан ташқари, **3 та** халқаро маълумотлар базаларидаги, хусусан ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими доирасида, МДХ ва “СОМТРАДЕ” маълумотлар базаларида Ўзбекистоннинг статистика кўрсаткичлари ўз вақтида янгиланди.

Жумладан, товарлар савдоси бўйича БМТнинг “СОМТРАДЕ” ахборот базасида **3585 та** товар турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси маълумотларини ҳар ойда янгилаб борилиши таъминланди.

ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими (e-GDDS) доирасида статистик кўрсаткичлар **5 та** тоифа бўйича ҳар ойда, **4 та** тоифа бўйича ҳар чоракда мунтазам янгилаб борилмоқда.

Бундан ташқари, ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизимидан (e-GDDS) Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандартига (SDDS) ўтиш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

#### **IV. Мамлакат миқёсида амалга ошириладиган йирик тадбирлар**

##### **Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига тайёргарлик кўриш масалаларида**

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5655-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 710-сон қарорига мувофиқ республикамизда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 4 мартдаги ПҚ-114-сон қарорига билан тасдиқланган “Расмий статистика соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича “Йўл харитаси”га мувофиқ республикамизда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш 2025-2026 йилларда амалга оширилиши белгиланди.

Қарорга мувофиқ, аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва натижаларини эълон қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

**Биринчидан**, 2024-2025 йилларда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга тайёргарлик кўриш ишлари амалга оширилади. Бунда:

аҳолини рўйхатга олишнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг оммасига тушунтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун видеоролик, баннер, флаер ва буклетлар тайёрланади;

2021 йилда ўтказилган синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш натижалари ва халқаро экспертларнинг тавсиялари асосида аҳолини рўйхатга олиш саволномалари шакллари такомиллаштирилади;

халқаро тажриба ва экспертларнинг тавсиялари асосида “Аҳолини рўйхатга олиш” ахборот тизими такомиллаштирилади;

“СТАТА” амалий дастурий пакети лицензияси харид қилиниб, унда рўйхатга олиш натижаларини ақс эттирувчи чиқувчи жадвалларнинг намуналари шакллантирилади;

аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режаси ишлаб чиқилади.

**Иккинчидан,** 2025-2026 йилларда республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш ишлари амалга оширилади.

**Учинчидан,** 2026-2027 йилларда аҳолини рўйхатга олиш натижалари тайёрланади ва расман эълон қилинади.

Ўтган давр мобайнида Статистика агентлиги томонидан аҳолини рўйхатга олишнинг **махсус веб-сайти** (aholi.stat.uz) ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди, ўтказилган очик танлов асосида аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг **логотипи** ва **шиори** (“Янги Ўзбекистоннинг бир қисми бўл!”) тайёрланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик бўйича жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида аҳолини рўйхатга олишнинг **норматив-ҳуқуқий ва услубий асослари** ишлаб чиқилди. Жумладан,

- Аҳолини рўйхатга олиш учун зарур бўладиган картографик материалларни тайёрлашда фойдаланиладиган **техник шартлар**;

- Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби тўғрисида **низом**;

- Аҳолини рўйхатга олишнинг туман ва шаҳарлар бўйича ташкилий режасини тузиш **тартиби**;

- Аҳолини рўйхатга олишнинг **дастури** ва **саволнома варағи шакллари**;

- Аҳолини рўйхатга олиш варағи шаклларини тўлдириш бўйича **йўриқнома**;

- Планшет қурилмалари ёрдамида аҳолини рўйхатга олиш бўйича **қўлланма**;

- Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида **низом**;

- Аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги **низом**;

- Аҳолини рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш тартиби тўғрисидаги **низом**;

- Аҳолини рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларининг сақланиши (шу жумладан вақтинча сақланиши), йўқ қилиниши тартиби тўғрисида **низом**.

Аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва натижаларини шакллантириш имконини берувчи “**Аҳолини рўйхатга олиш**” ахборот тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарорига асосан **2021 йилда** Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида **синов тариқасида** аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилди.

Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига **1885** нафар ходимлар шартнома асосида жалб қилинди. Уларнинг **100** нафари рўйхатга олиш участкаларида ишловчи ходимлар, **254** нафари инструкторлар, **254** нафари стационар рўйхатга олувчилар ва **1277** нафари уйма-уй юриб рўйхатга олувчи ходимларни ташкил этди.

Рўйхатга олиш ишларига жалб этилган шахсларнинг энг кўп улуши ишсиз фуқаролар **759** нафар (**40,3** фоиз), маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари **384** нафар (**20,4** фоиз), ўқитувчилар **280** нафар (**14,9** фоиз), шифокорлар **143** нафар (**7,6** фоиз), нафақахўрлар **87** нафар (**4,6** фоиз), талабалар **49** нафар (**2,6** фоиз), кўнгиллилар **18** нафар (**1,0** фоиз) ва **165** нафар (**8,6** фоиз) бошқа соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келди.

Синов жараёнлари **уч хил** усулда, яъни **Интернет** орқали респондентлар томонидан саволномаларни мустақил равишда тўлдириш, **қоғоз** ва **планшет** усулларида рўйхатга олувчи ходимлар томонидан респондентлар билан юзма-юз сўров ўтказиш орқали ўтказилди. Планшет усулида аҳолини рўйхатга олиш қоғоз усулига нисбатан қулайлиги, тезкорлиги ва иқтисодий жиҳатдан самаралироқ эканлигини кўрсатди.

Ўн икки кун давомида ўтказилган рўйхатга олиш жараёнларида қоғоз усулида бир нафар рўйхатга олувчи ўртача **350** тадан **400** тагача шахсларни рўйхатга олган бўлса, планшет усулида эса ўртача **500** тадан **750** тагача тўғри келди.

Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида иштирок этиш учун **11** кишидан иборат **халқаро кузатув миссияси** вакиллари мамлакатимизга ташриф буюриб, республикамизнинг тўртта ҳудудида синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига кўрилган тайёргарлик ишлари ва уни ўтказиш жараёнлари билан танишди.

Ўзбекистонда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишга кўрилган тайёргарлик ишлари ва уни ўтказиш жараёнлари халқаро кузатув миссияси вакиллари томонидан **ижобий баҳоланиб**, аҳолини рўйхатга олиш жараёнларини янада сифатли ва замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказиш юзасидан **таклиф ва тавсиялар билдирилди**.

Жумладан, рўйхатга олиш саволномаларини миллий минталитетга мослаштирган ҳолда янада такомиллаштириш, планшет қурилмаларидан кенг фойдаланган ҳолда рўйхатга олишни ташкил этиш, Интернет тармоғи орқали рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш ва шу каби йўналишлар бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда 2025-2026 йилларда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш жараёнларини **Интернет** тармоғи орқали ва **планшет** қурилмаларидан кенг фойдаланган ҳолда ўтказиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, 2022 йил **август** ойида республикамиздаги барча маҳаллаларнинг хариталари жойидаги ҳолатга **мослиги** ўрганилиб, аҳоли яшаётган турар жойлар ҳамда нотурар бинолар **рўйхати** тузиб чиқилди. Мазкур ишларга республика бўйича жами **6148** нафар шахслар регистратор сифатида шартнома асосида ишга жалб этилди.

Ўрганишлар натижасида ҳудудларда жами **1,1** миллионга яқин хонадон рақамланмаганлиги, **3** мингдан ортиқ хонадон рақамлари маҳалла хариталаридаги рақамларга мос келмаганлиги, **181** мингдан ортиқ янги қурилган бино ва хонадонлар маҳалла хариталарига киритилмаганлиги, **30** мингга яқин бузилган бино ва хонадонлар харитадан чиқарилмаганлиги ва **24** мингдан ортиқ кўчаларнинг номи ўзгарган бўлсада, лекин харитада ўзгартирилмаганлиги аниқланди.

Аниқланган барча камчиликлар кадастр органлари томонидан ҳудудий статистика органлари билан биргаликда баргараф этилиб, хариталар тўлиқ янгиланди.

Республика бўйича жами 9 мингдан ортиқ маҳаллаларнинг хариталари тўлиқ янгиланиб, икки нусхадан қоғоз шаклида чоп этирилди. Ҳудудлар бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 424 та, Андижон вилоятида 889 та, Бухоро вилоятида 544 та, Жиззах вилоятида 301 та, Қашқадарё вилоятида 802 та, Навоий вилоятида 330 та, Наманган вилоятида 792 та, Самарқанд вилоятида 1126 та, Сурхондарё вилоятида 721 та, Сирдарё вилоятида 237 та, Тошкент вилоятида 1020 та, Фарғона вилоятида 1062 та, Хоразм вилоятида 530 та, Тошкент шаҳрида 579 та маҳаллаларнинг хариталари тўлиқ янгиланди.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш жараёнларининг кейинги босқичида янгиланган маҳалла хариталари асосида ҳудудлар бўйича аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режалари ишлаб чиқилади ва рўйхатга олиш жараёнларига жалб этиладиган ходимлар сони ҳисоблаб чиқилади.

Маҳалла хариталарининг тўлиқ ва тўғри бўлиши аҳолини рўйхатга олишни сифатли ташкил этилиши ва сарфланадиган маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

**2024 йил январь-март ойларида** аҳолини рўйхатга олишга пухта тайёргарлик кўриш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

2024 йил мамлакатимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилиниши муносабати билан аҳоли ўртасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирини нечоғлик муҳимлиги ва уни ўтказишга ёшлар, фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ўзлари ҳам қатнашиш имкониятига эга эканлиги тўғрисида **тарғибот-ташвиқот** ишлари олиб борилмоқда.

Аҳолини рўйхатга олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш бўйича январь-март ойлари давомида ҳудудий статистика органлари томонидан маҳаллий телеканалларда 18 та кўрсатувлар, маҳаллий радиоканалларда 49 та эшиттиришлар ташкил этилди, турли веб-сайтларда 394 та тезис ва мақолалар жойлаштирилди, газета ва журналларда 113 та мақолалар чоп этилди ва олий ўқув юртларида жами 75 та ва мактабларда жами 309 та семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Видеоролик, баннер, флаер ва буклетлар намуналарини тайёрлаш ишлари давом этмоқда.

“Аҳолини рўйхатга олиш” ахборот тизими синов жараёнларида аниқланган камчиликлар ва муаммоларни инобатга олган ҳолда халқаро экспертларнинг тавсиялари асосида **такомиллаштирил-моқда**. Жумладан, Интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтиш жараёнлари соддалаштирилди, электрон саволномаларни аҳоли учун янада содда ва тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида ҳар бир саволга **изоҳлар** киритилди. Шунингдек, мазкур ахборот тизимида Интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтган аҳоли тўғрисида тезкор рўйхат **шакллантириш** ва ушбу рўйхатларни рўйхатга олувчи ходимларнинг планшет курилмаларига электрон шаклда етказишни таъминловчи **алоҳида функция** яратилди.

Аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотлар базаси ҳажмининг катталиги сабабли, унинг натижаларини жадвал кўринишида шакллантиришда **STATA** амалий дастурий пакетидан фойдаланилмоқда. Бугунги кунга қадар **100** дан ортиқ чиқувчи жадваллар мазкур дастур ёрдамида тайёрланди. Ушбу дастур асосан статистик таҳлил қилувчи дастур бўлиб, статистик кўрсаткичларни шакллантиришда қулай, тезкор ва таҳлилларни жадвал, рейтинг ва график кўринишда тақдим эта олади.

Шу билан бирга, ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ҳудудий статистика органлари ходимлари **ҳар ҳафтада** видеоконференцалоқа орқали савол жавоблар, **ҳар ойда** тест синовларидан ўтказилиб борилмоқда.

Рақамланмаган уй ва хонадонлар ҳамда номи ўзгарган кўчаларга янги ном белгиларини ўрнатиш бўйича маҳалла раислари ва фаоллари билан жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, ҳафталик маълумотлар шакллантирилиб, Агентликнинг ҳафталик аппарат йиғилишида муҳокама қилиб борилмоқда.

2024 йил 1 январь ҳолатига мавжуд **520** мингга яқин рақамсиз уйларнинг **223,9** мингтаси (**43,1** фоиз) 2024 йил январь-март ойларида жойига чиқиб ўрганилди. Ўрганиш натижасида **133,4** минг уйлар рақамлангани маълум бўлди, бу ўрганилган уйларнинг **59,6** фоизини ташкил этади. Қолган **90,6** мингта (**40,4** фоиз) хонадонларга ҳалигача рақам белгилари **илинмаганлиги** маълум бўлди.

Шунингдек, ўрганилган жами **22,3** мингта кўчаларнинг **2,4** мингтасига (**10,7** фоизи) кўча ном белгилари ўрнатилмаганлиги аниқланди.

Рақамланмаган уй ва хонадонларни рақамлаш ҳамда номи ўзгарган ва ном белгилари ўрнатилмаган кўчалар бўйича қайта ўрганилаётган таҳлилий

маълумотларни ойда икки мартаба **хокимлик соати** йиғилиши кун тартибига киритилиб, натижаси бўйича ҳафталик маълумотлар шакллантирилмоқда. Жорий йил 1 апрель ҳолатига маҳаллий хошимликларнинг маълумотларига кўра **1,1** млн.га яқин уй ва хонадонларга рақамлар ўрнатилган (март ойи давомида **10,0** мингга яқин хонадон рақамланган).

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича туман ва шаҳарлардаги уй-жойлар тўғрисида йиғма маълумотлар шакллантирилди. Унга кўра жорий йилнинг январь-март ойларида **5,1** мингга яқин уй ва хонадонлар янги **қурилган** бўлса, **310** та эски уйлар **бузилган**.

**Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўналишида мониторингни йўлга қўйиш масалаларида**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 83-сон қарори қабул қилинган.*

Ушбу қарорнинг 1-илоvasи билан **2030-йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари** сифатида Ўзбекистон учун долзарб ҳисобланган **16 та** миллий мақсад ва БРМнинг **126 та** миллий вазифалар рўйхати тасдиқланди.

*Маълумот учун: Глобал миқёсда **17 та** мақсад **169 та** вазифа ва **232 та** индикатор тасдиқланган.*

Шунингдек, мазкур қарорнинг 2-илова билан тасдиқланган, 2022–2026-йилларда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга самарали эришиш бўйича чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида, Статистика агентлиги ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларининг миллий индикаторлари бўйича идоралараро ишчи гуруҳи томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

**1.** Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Статистика Комиссияси томонидан тавсия этилган Барқарор ривожланиш мақсадлари глобал индикаторлар тизими асосида Миллий Барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторларини такомиллаштириб бормоқда.

**2.** Ўзбекистон учун долзарб ҳисобланган **190 та** индикатор тасдиқланган, шундан, **152 таси** глобал индикаторлар билан тўлиқ мос

келади, **28 таси** прокси индикатор ва **10 таси** миллий индикатор ҳисобланади.

3. Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича эришилган натижаларни кузатиб бориш ва ушбу соҳада мамлакатдаги мавжуд вазият тўғрисида долзарб маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш мақсадида, 2019 йилда Ўзбекистон Республикасида Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичлари бўйича веб-сайт ишлаб чиқилди.

4. Вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда **139 га** Миллий барқарор ривожланиш индикаторлари бўйича маълумотлар шакллантирилиб веб-сайтга жойлаштириб борилмоқда.

5. Агентлик томонидан “Ўзбекистон Республикасида Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича йиллик статистик тўпلام” 2019 йилдан бошлаб ҳар йили ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилиб вазирлик ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро ташкилотларга тақдим этиб борилмоқда, шунингдек, ушбу тўпلامнинг электрон шакли (nsdg.stat.uz) веб сайтга жойлаштириб борилмоқда.

6. ЮНИСЕФ ташкилоти кўмагида 2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида оналар ва болалар турмуш тарзини ўрганиш бўйича Мультииндикатор кластер кузатуви (MICS) ўтказилди. Натижада **160 дан** зиёд муҳим социал кўрсаткичлари билан бир қаторда Барқарор ривожланиш мақсадларининг **29 га** индикатор кўрсаткичлари шакллантирилди.

7. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси(ESCAP)нинг SDG Tracker платформасида Ўзбекистон Республикаси саҳифаси очилиб, барқарор ривожланиш мақсадлари индикатор кўрсаткичлари билан тўлдириб борилмоқда.

8. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика бўлимининг веб саҳифасида Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича илғор тажрибаларга эга **90 га** яқин давлатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси ҳам қайд этилди.

Барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари сифатини таъминлашда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий статистика сифатини таъминлашнинг миллий асосий тамойилларига мувофиқ амалга ошириб, халқаро тавсиялар асосида такомиллаштириб борилмоқда.

**Қишлоқ хўжалигида рўйхатдан ўтказиш тadbирларини ташкил этиш масалаларида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024- йил 4- мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги

фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-114-сон қарори билан тасдиқланган Расмий статистика соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича “Йўл харитаси” нинг 7- банди ижросини таъминлаш мақсадида, Қишлоқ хўжалигида рўйхатдан ўтказиш тадбирларини ташкил этиш масалаларида 2024 йил март ойида Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни амалга оширишга доир услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан 2022 йилда ўтказилган синов натижалари асосида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш саволномалари шаклини такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар, хусусан МДХ давлатлари тажрибалари ўрганилди.